

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГАНИЕВ АБДУАВАЗ АБДУЛАХАТОВИЧ

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ ВА ҲАЛҚУМ РАКИНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШ**

**14.00.14 – Онкология
14.00.21-Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ганиев Абдуаваз Абдулахатович

Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг
эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари,
уларни коррекциялаш усуллари, даволаш
ва прогнозлаш..... 3

Ганиев Абдуаваз Абдулахатович

Эпидемиологические и молекулярно-биологические
особенности рака органов полости рта и ротоглотки,
методы их коррекции, лечения и прогнозирования..... 33

Ganiev Abduavaz Abdulakhatovich

Epidemiological and molecular biological features
of oral and oropharyngeal cancer, methods of their
correction, treatment and prognosis..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГАНИЕВ АБДУАВАЗ АБДУЛАХАТОВИЧ

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ ВА ҲАЛҚУМ РАКИНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШ**

**14.00.14 – Онкология
14.00.21-Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSC/Tib311 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Светицкий Павел Викторович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Абдихакимов Абдулла Нусратиллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Хасанов Адхам Иброҳимович**
тиббиёт фанлари доктори

Абдужапаров Сулейман Бахретдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Набиева Умида Пулатджановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кенгаш қошидаги бир
марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (Dsc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бош ва бўйин ёмон сифатли ўсмалари замонавий онкологиянинг мураккаб тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, биринчи бўлиб мазкур соҳага кирувчи шикастланган анатомик соҳалар сонининг кўплиги, мураккаб анатомик тузилишларнинг мавжудлигига сабаб бўлади. Кўп қон томирлари билан таъмирланиши бу соҳадаги ёмон сифатли ўсмаларнинг яшин тезлигида тарқалиши, тез кўпайиши ва метастаз беришига сабаб бўлади. Орофарингеал саратон (ОФС) қуйидаги анатомик тузилишлар: юз, танглай, милк, оғиз бўшлиғи туби, тил шиллиқ пардаси, кератинлаштирмайдиган эпителий элементларида ривожланувчи ёмон сифатли ўсма ҳисобланади. Оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум ўртасидаги чегара танглай-тил ёйи, кичик тилнинг нов шаклидаги илдизи бўйлаб анатомик тарзда ўтади. Буларнинг ҳаммаси даволаш ёндашувларини танлашда маҳаллий ташхис қўйишнинг мураккаблигини келтириб чиқаради. ЖССТ муълумотларига кўра «... ҳозирги вақтда ОФС келиб чиқишида саратон олди касалликларининг мавжудлиги, Эпштейн-Барра (ЭБВ) вирус ташувчиси негизида ривожланишининг эҳтимоли муҳим аҳамият касб этади»¹. Дунёда зарарли саноат тизимининг ривожланиши, уларда ишлатиладиган кимёвий моддалар, даволаш ва ташхислашдаги қатор камчилликлар турли аъзо ва тизимларнинг ўсма касалликларини кун сайин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли юз-жағ соҳасининг мураккаб анатомик тузилганлиги, ўсманинг кўз косасига, бош мияга ва нервларга яқин жойлашиши ёки ўсиб ўтиши радикал операцияларни бажаришни қийинлаштириши, хавфли ноэпителиал ўсмаларининг даволаш замонавий клиник онкологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада оғиз бўшлиғи соҳаси саратонини ва касаллик оқибатида юзага келадиган ўлим кўрсаткичини минтақавий хусусиятлар, трендлар ва башоратлаш, уларни эпидемиологик баҳолаш билан орофарингиал соҳа касалликлари кўрсаткичларини, ноангиогенез стимулятори кўрсаткичлари, томир эндотелийсининг васкулоэндотелиал ўсиш омили (VEGF), иммун жавобининг ифодаланиши ва хусусиятлари, шунингдек, қонда Эпштейн – Барра вирусининг репликацион фаоллиги ва соғлом инсонлар оғиз бўшлиғи, оғиз-ҳалқум аъзолари саратони кузатилган беморлар оғиз суяклиги кўрсаткичлари миқдорини асослаш ҳамда модификацияланган мандибулотомия усулини яратиш йўли орқали маҳаллий тарқалган орофарингиал саратон ташхисланган беморларни даволашнинг жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш ва нур билан даволаш усулининг бевосита, яқин ва

¹Burris J.L., et al. Systematic review of tobacco use after lung or head/neck cancer diagnosis: results and recommendations for future research. Cancer Epidemiol. Biomarkers. Prev. 2015; 24(10): pp.1450-1461

узоқ муддатли натижаларини баҳолаш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда хавфли ўсма касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтириш қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонини даволаш ва башаротлашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, University

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

of Kansas, Atlanta Oral Pathology, Roseman University of Health Sciences (AQSH); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Keio University (Япония); Catalan Institute of Oncology (Испания); National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); Yonsei University (Корея Республикаси); University of Sydney (Австралия); Jazan University (Саудия Арабистони); Regional Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон); Ростов онкология илмий тадқиқот институти (Россия), Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонининг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлашни такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: одам папилома вирусининг HPV-AF ёки ASR OPC оғиз бўшлиғи саратонининг ривожланишининг асосий омиллиги эканлиги исботланган (Catalan Institute of Oncology, Испания); оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонининг тарқалишида подопланин (PDPN) гликопротеини, эпителиал-мезенхимал соҳага тарқаланиши ва метастазининг оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум тарқалиши (OSCC) исботланган (Yonsei University, Корея Республикаси); оғиз бўшлиғи аъзолари саратонининг трансорал роботлаштирилган жаррохлик амалиёти ишлаб чиқилган (Yonsei University, Корея Республикаси); ДНК асосида ишланган микрочиплар ёрдамида қондаги бактерияларни тезкор аниқлаш механизми ишлаб чиқилган (Helsinki University, Финляндия); иккита антитромбоцитар даволашга қаратилган дори воситаларни қабул қилиш натижасида пациентларда қон кетишининг UGIB ва LGIB даражаси бир хил бўлиб, қон кетиш даражаси DAPT қабул қилиш даражасига боғлиқлиги исботланган (University of Kansas, AQSH); оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонининг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш тартиби ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлашни такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, клиник, лаборатор, вирусологик, иммунологик ва молекуляр-биологик маълумотлар асосида орофарингеал соҳада касаллик кузатилган беморларни жаррохлик ҳамда кимёвий нур билан даволаш самарадорлигининг профилактик омилларини ишлаб чиқиш; операциядан кейинги қоникарли натижаларни таъминлаш билан модификацияланган мандибулотомия усулини яратиш йўли орқали маҳаллий тарқалган орофарингеал саратон ташхисланган беморларни даволашнинг жаррохлик усулини ишлаб чиқиш;

даволашнинг тавсия этилган анъанавий усуллари кўллаб, модификацияланган мандибулотомиядан фойдаланишда орофарингеал саратонни даволашнинг тез ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 5 йил мобайнида адабий манбалар шарҳида кўрсатилишича, мазкур патологиянинг эпидемиологик ва клиник томонларини ўрганиш бўйича маълумотлар бўлиб, касалликнинг келиб чиқиш хавф омилларини (Burriss J.L., et al., 2015) ўрганиш билан касаллик ҳамда ўлим ҳолатлари таҳлиллари ўтказилган. ОФСнинг рутин диагностикаси муҳим қийинчиликларга эга эмас. Адабиётларда шикастланиш чегарасини аниқлашни тўлиқ кўрсатувчи маълумотлар йўқ бўлиб, амалий стоматологлар ва ЛОР шифокорлари томонидан фойдаланиши мумкин бўлган изланиш ҳамда ўрганиш предмети ҳисобланади. ОФС ривожланганда диагностикасини аниқлашнинг маълум усуллари билан бир қаторда, бугунги кунда қўлланаётган молекуляр-биологик усуллар устувор аҳамиятга эга, ОФС апоптози ва неоангиогенези, вирусли ҳамда молекуляр канцерогенезнинг ўрни, шунингдек улар пайдо бўлишида эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. ОФСда жарроҳлик аралашуви етакчи ўринда бўлиб, даволаш натижалари бажарилган ташриҳ (операция) радикалигига тўғридан-тўғри боғлиқдир (А.М.Мудунов,2013). ОФСнинг анатомик мураккаб қийинчиликка эга эканлиги, асосан ўсма оғиз бўшлиғининг орқа қисмларида жойлашса, радикал ташриҳлар бажарилишида қийинчиликларга сабаб бўлади. Адабиёт маълумотларига, шунингдек бош ва бўйин соҳасидаги ёмон сифатли ўсма касалликларини ўрганувчи етакчи мутахассислар тажрибаларига кўра, бундай ҳолатларда мандибулотомия қилиш тавсия қилинади (П.В.Светицкий, 2016). Ҳозирги вақтда хемилюминесцент тизим ViziLitePlus ва Вуда лампаси ёрдамида ОФС шиллиқ пардаси люминоскопияси сингари тадқиқот усуллари кенг кўламда қўллаш тавсия қилинади. Саратон олди ва орофарингеал касалликлар саратонини аниқлашда бундай усулларни қўллаш орофарингеал касалликлар шиллиқ қавати касалликларини ташхислашда оддий, ноинвазив, оғриқсиз усул ҳисобланади, динамик кузатувда кейинчалик унинг ҳолатини мониторинг олиб келади.

Мамлакатимизда оғиз бўшлиғи, юз-жағ соҳаси касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизими ташкиллаштириш, ўткир ва сурункали касалликларни асоратларни олдини олиш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Хасанов А.И, Боймуродов Ш.А., Жилонов А.А., Дадамов А.Д.,2018) бироқ, оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш муаммосини ўзининг ечимини топмаган.

Шундай қилиб, орофарингал соҳага киришни таъминловчи ўзгарган мандибулотомиянинг самарали ва ишончли усулини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб, кейинчалик бемор ҳаёт сифати, олиб борилган аралашувнинг қониқарли натижаларга эришишини, шунингдек, ушбу патология кузатилган

беморлар ҳаётийлигини таъминлайди. Юқорида изоҳланганларни таҳлил қилиб таъкидлаш мумкинки, орофарингал соҳа саратонини ташхислаш ва даволашда эришилган замонавий ютуқларга қарамай, жараённинг тарқалиш мезонлари, жарроҳлик билан даволаш самарадорлигини аниқлаш, уларнинг келиб чиқишини эпидемиологик жиҳатдан ўрганишга асосланган профилактик чора тadbирлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ эътиборсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, айнан шу долзарблик уларни ҳал қилиш йўллари излашни талаб қилади.

Диссертация тadқиқотининг диссертация бажарилган илмий тadқиқот муассасасининг илмий–тadқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тadқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тadқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.3.11. «Турли экологик шароитларда оғиз бўшлиғи аъзолари сартонини ташхислаш, даволаш ва башоратлашни замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018) йй.

Тadқиқотнинг мақсади сифатида эпидемиологик ва молекуляр–биологик хусусиятларни баҳолаш билан маҳаллий тарқалган орофарингеал саратонни даволаш натижаларини яхшилаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тadқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳудудий хусусиятлар, трендлар ва башоратлаш, уларни эпидемиологик баҳолаш билан орофарингеал соҳа касалликлари кўрсаткичларини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳудудий хусусиятлар, трендлар ва башоратлаш, уларни эпидемиологик баҳолаш билан орофарингеал саратондан ўлим кўрсаткичларини баҳолаш;

нооангиогенез стимулятори кўрсаткичлари, томир эндотелийсининг васкулоэндотелиал ўсиш омилли (VEGF), иммун жавобининг ифодаланиши ва хусусиятлари, шунингдек, қонда Эпштейн–Барра вирусининг репликацион фаоллиги ва соғлом киши оғиз бўшлиғи, оғиз-ҳалқум аъзолари саратони кузатилган беморлар оғиз суюқлиги кўрсаткичлари миқдорини баҳолаш;

клиник, лаборатор, вирусологик, иммунологик ва молекуляр–биологик маълумотлар асосида орофарингеал соҳада касаллик кузатилган беморларни жарроҳлик ҳамда кимёвий нур билан даволашда профилактик омилларни самарадорлигини ишлаб чиқиш;

орофарингеал саратоннинг табақалаштириш хусусиятига қараб даволашнинг мажмуавий усул имкониятларини таҳлил қилиш;

операциядан кейинги қоникарли натижаларни таъминлаш билан модификацияланган мандибулотомия усулини яратиш йўли орқали маҳаллий тарқалган орофарингеал саратон ташхисланган беморларни даволашнинг жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш;

махсус даволаш усулидан сўнг орофарингеал саратон асорати характери, беморлар яшовчанлигига уларнинг таъсири ва даражасини таҳлил қилиш;

даволашнинг тавсия этилган анъанавий усуллари кўллаб, модификацияланган мандибулотомиядан фойдаланишда орофарингеал саратонни даволашнинг тез ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали ва Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Миллий онкология илмий-тадқиқот маркази» Федерал давлат бюджет муассасасида бош-бўйин ўсма касалликлари бўлимида 2008-2017 йиллар давомида даволанган 427 нафар $T_{2-4}N_{0-2}M_0$ босқичидаги орофарингеал саратон билан хасталанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонининг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятларини башоратлашда полимераза занжир реакцияси ёрдамида Эпштейн Барр вируси ДНКси, онкомаркерлар Т-хужайравий иммун танқислигида CD8+ Т-лимфоцитларнинг ошганда CD4+ Т-хелперлар/индукторлар танқислиги, иммун регулятор индексининг сезиларли камайган, ошган апоптоз маркери CD95+ фаоллашган маркери материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва башоратлашда клиник, аналитик, биокимёвий, молекуляр-биологик ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органлари орқа қисмининг маҳаллий тарқалган саратонда лимфа тугунларини олиб ташлаш операциясида қўлланиладиган бўйин лимфаденэктомия усули ишлаб чиқилган;

оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида тарқалган саратон касаллигини хирургик даволашда оғиз бўшлиғидаги яраларни бирламчи битишни амалга оширишда оростома усулидан фойдаланиш орқали жаррохлик амалиёт усули ишлаб чиқилган;

орофарингеал саратон маҳаллий тарқалган беморларда Эпштейн-Барр инфицирланиш даражаси ривожланишида VEGF молекуляр-биологик маркернинг ахамияти исботланган;

кенгайтирилган жаррохлик амалиётини амалга ошириш мақсадида кейинги йирингли асоратларни камайтириш, беморларнинг ҳаётийлигини ошириш билан ҳаёт сифатини таъминловчи маҳаллий тарқалган орофарингеал саратонда мандибулотомиянинг модификацияланган усулини қўллаш мумкинлиги исботланган;

орофарингеал соҳа ташхисланган беморларни даволашнинг турли усуллари кўллаш самарадорлиги башоратлашнинг боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган мезонлари билан молекуляр-биологик усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудлари бўйлаб олиб борилган онкоэпидемиологик тадқиқотлар асосида орофарингеал саратонни эрта

ташхислаш, олдини олиш, саратонга қарши чора-тадбирлар амалга ошириш тартиби баҳоланган;

ҳудудлар хусусияти бўйича онкоэпидемиологик тадқиқотдан олинган маълумотлар орофарингеал саратоннинг келиб чиқиш хавф омиллари ва мавжуд мослашувчанлигини баҳолашда онкология соҳасида тадқиқот олиб бориш, унинг илмийлигини асослаш учун зарур ҳисобланган;

маҳаллий тарқалган орофарингеал саратон қайд қилинган беморларда мандибулотомия усули ишлаб чиқилган ва оптималлаштирилган;

анъанавий усулда аралашувлар ўтказишда юзага келувчи эҳтимолли асоратлар миқдорини камайтириш, даволашнинг қониқарли натижаларга эришишига имкон берган;

касаллик кечиши ва башоратлашни амалга ошириш учун онкомаркерлар экспрессия даражасини баҳолаш орофарингеал саратон кузатилган беморларни даволаш усуллари тuzатиш имконини берган;

Эпштейн Барр вирусини ва уларнинг аҳамиятлилигини баҳолаш, орофарингеал саратон касаллиги ривожланишига мойил хавф омиллари гуруҳини ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, аналитик, биокимёвий, молкуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларида оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлаш даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида орофарингеал саратон бўйича онкоэпидемиологик ҳолатни баҳолаш ёшнинг юқори чўққиси, трендлар, касаллик ва ўлимнинг башоратлаш кўрсаткичларини аниқлашга катта ҳисса қўшиш, онкоэпидемиологик тадқиқотларни кенгайтириш, айрим ҳудудларда орофарингеал саратон, касаллик ва ўлимнинг юқори даражаси баҳолаш, ушбу патология ривожланиш хавф омиллини ажратиш билан орофарингеал касалликларда ёмон сифатли ўсмани эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича асосий тадбирлар ўтказиш, маҳаллий тарқалиш жараёнининг пайдо бўлишида орофарингеал саратон касаллигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга VEGF эндотелиал ўсиш онкомаркерлари экспрессияси ўзгаришини башоратлашнинг назарий асосини яратиш имконини берганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳамиятли омилларни баҳолаш билан стратификация ўтказиш, орофарингеал саратон маҳаллий тарқалган беморларда мандибулотомия усули ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш, операциядан кейин пайдо бўладиган асоратлар миқдорини камайтириш, бу билан беморлар ҳаётийлиги ҳамда юқори турмуш сифатини

таъминловчи даволаш самарадорлиги ошириш, оғиз ҳалқум ва оғиз бўшлиғи аъзоларида тарқалган саратондан касалланган беморларни жарроҳлик усули даволаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва прогнозлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва башоратлашни такомиллаштириш натижасида «Оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида саратон тарқалган беморларни хирургик даволаш усули» бўйича Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ 2694215, 2018). Натижада ушбу усул оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида саратон тарқалган беморларни хирургик даволаш тизимини яратишга имкон берган;

оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органлари орқа қисмининг тарқалган саратон касаллигида бўйин лимфаденоэктомия усулида даволаш тартибини коррекциялаш натижасида «Оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органлари орқа қисмининг тарқалган саратон касаллигида бўйин лимфаденоэктомия усули» бўйича Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ 2694518, 2018). Натижада ушбу усул оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органлари орқа қисмининг тарқалган саратон касаллигида бўйин лимфаденоэктомия орқали хирургик даволаш тизимини яратишга имкон берган;

оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида тарқалган саратон касаллигини хирургик даволаш самарадорлигини оширишда оростома усулидан фойдаланишнинг ижобий натижаларини инобатга олган ҳолда «Оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида тарқалган саратон касаллигини хирургик даволаш самарадорлигини ошириш оростома усулидан фойдаланиш» бўйича Россия Федерацияси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ 2704599, 2019). Натижада ушбу усул оғиз бўшлиғи ва оғиз ҳалқум органларида тарқалган саратон касаллигини хирургик даволаш самарадорлигини ошириш оростома усулидан фойдаланиш орқали беморларни хирургик даволаш тизимини яратишга имкон берган;

орофарингеал соҳа саратони билан хасталанган беморларни даволашда модифицирланган мандибулотомия усулида привентив оростомани тиклаш қаратилган илмий натижалар асосида «Орофарингеал соҳа саратони билан хасталанган беморларни даволашда модифицирланган мандибулотомия усулида привентив оростомани тиклаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-д/127-сон маълумотномаси). Натижада орофарингеал соҳадаги маҳаллий тарқалган хавфли ўсмалар билан хасталанган беморларни даволашда модифицирланган мандибулотомия усулида привентив оростомани тиклаш орқали беморларни

даволашнинг самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

оғиз бўшлиғи аъзоларида маҳаллий тарқалган саратони билан хасталанган беморларни артерия ичи регионар аутоплазмакимётерапияси ёрдамида комплекс даволашни оптимизациялаштириш натижасида «Оғиз бўшлиғи маҳаллий тарқалган саратони билан хасталанган беморларни артерия ичи регионар аутоплазмакимётерапияси ёрдамида комплекс даволашни оптимизациялаш услуги» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н–д/127–сон маълумотномаси). Натижада оғиз бўшлиғи соҳасида маҳаллий тарқалган саратони билан хасталанган беморларни комплекс даволашда артерия ичи регионар аутоплазмакимётерапиясидан фойланиш орқали хавфли ўсмаларнинг местазланишини олдини олиш, беморларни умр давомийлигини ошириш, соҳанинг функционал ҳолатини тиклаш орқали даволаш тизимини ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, уларни коррекциялаш усуллари, даволаш ва башоратлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Фарғона ва Бухоро вилоятлари филиалларнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 апрелдаги 8н–д/127–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жарроҳлик аралашувнинг ишлаб чиқилган турлари йирингли яллиғланишли асоратлар даражасини сезиларли даражада камайтириш 33,6% га нисбатан 17,1%, оростомали мандибулотомия ҳажмида қайта тиклаш-пластик операция натижасида йирингли-яллиғланиш асоратлари камайиши, шунингдек, орофарингеал саратон билан беморлар ҳаётийлиги, унинг ижтимоий тез мослашиши ва турмуш тарзининг ошиши, асосий гуруҳда асоратлар кузатилмаганда 5-йиллик ҳаётийлик 76,1% ни ташкил қилиб, беморларнинг умрини узайиши ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум саратонининг эпидемиологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари ва уларни даволаш ва прогнозлашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида юз-жағ соҳаси хавfli ноэпителиал ўсма касалликларининг эрта ташхислаш ва даволашга бағишланган хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари илмий шарҳи таҳлил қилинган. Диссертант томонидан юз-жағ соҳаси хавfli ноэпителиал ўсмаларини ривожланишнинг этиологияси, патогенези ва самарали ташхислаш ва дифференциал даволаш бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертант мавзунини ёритиш ва асослашда юз-жағ соҳаси хавfli ноэпителиал ўсмаларини хирургик даволашнинг замонавий усуллари тавсия этган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи аъзолари ва ҳалқум ракиннинг даволаш ва башорталаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари тартиби бўйича маълумотлар келтирилган. РИОваРИАТМ ва РИОваРИАТМнинг ТВФда текширилган ва даволанган 427 нафар беморлар, Ростов онкологик илмий-текшириш институти (РОИТИ) шароитида ташриҳ қилинган 33 нафар бемор материаллари берилган. Беморлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳда (n=149) оростомия билан мандибулотомия ташриҳи қўшилган стандарт даволаш олиб борилди, назорат гуруҳида (n=278) бу ташриҳ ўтказилмаган. Беморларнинг ўртача ёши эркакларда $59,0 \pm 1,4$, аёлларда эса $59,6 \pm 2,08$ ёш бўлиб, ёш диапазони 19 ёшдан 85 ёшгача бўлган.


Ўсма жойлашиши бўйича тақсимланишда кўрсатилишича, асосий гуруҳда оғиз ҳалқум ва тил илдизида ёмон сифатли ўсма (36,9%), тил ва оғиз бўшлиғи тубида ўсма аниқланган беморлар (30,2%), юқори ва пастки жағда (21,5%), қаттиқ ва юмшоқ танглайда (11,4%) ўсма аниқланса; назорат гуруҳида ўсманинг жойлашиши кўп ҳолатда тил ва оғиз бўшлиғи тубида (47,4%), юқори ва пастки жағда - (30,3%), тил илдизи ва оғиз ҳалқумида – (16,2%), қаттиқ ва юмшоқ танглайда (6,1%) кузатилган.

Ҳар иккала гуруҳда ўсманинг морфологик тузилиши кўп ҳолатда кератинлашиш билан ясси хужайра саратони, ўртача ва юқори фарқланган шакллари мос ҳолда 67,8% ва 57,6% ташки қилган.

Беморларга комплекс ва комбинацияланган усуллари билан стандарт даволаш амалга оширилди. Стандарт поликимётерапия асосий гуруҳдаги (71,8%) беморга, назорат гуруҳидаги (21,6%) беморга ноадъювант тартибда ўтказилди, даволашнинг қолган махсус усуллари асосий ва назорат гуруҳларида бир хил аҳамиятга эга бўлди (1-расмга қаранг).

Жарроҳлик аралашув (76,8%) беморда ўтказилмади, улар асосий гуруҳда 40,6%, назорат гуруҳида 36,2% на ташкил қилди.

Эпидемиологик тадқиқотда Ўзбекистон Республикасидаги барча ОФС бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ССВ – №7 SSV қабул қилган бухгалтерия ҳисобот ҳужжатларига мувофиқ, онкологик муассасалар томонидан тақдим қилинган маълумотларга мос тарзда қўлланилган. Тадқиқот 2008-2017 йиллар ҳужжатларини қамраб олган (10 йил). Динамикада ОФС дан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ўрганилди.



1-расм. Даволаш усулига қараб беморларни тақсимлаш

Тадқиқот уч босқичда олиб борилди: биринчи босқичда РИОваРИАТМ ва РИОваРИАТМнинг ТВФда Канцер-регистрида ўрганилган материаллар тўпланган; иккинчи босқичда РИОваРИАТМ нинг ТВФ нинг вилоят филиаллари маълумотлари; учинчи босқичда Тошкент вилояти Канцер-регистр материаллари тўпланган.

Ўзбекистон Республикаси ССВ №7-SSV шакли бўйича бухгалтерия ҳисобот ҳужжатлари республика бўйича биринчи аниқланган умумий ОФС беморлари – нисбий сони (КХТ-10 С00-14 бўйича шифр), ОФС дан вафот этган беморлар ёшининг бузилиши - нисбий сонини йиғиш амалга оширилди.

Иккинчи босқичда худудлар (вилоятлар) бўйича биринчи аниқланган ОФС беморлари –нисбий сони, ОФС дан вафот этган беморлар ёшининг бузилиши - нисбий сонини йиғиш амалга оширилди.

Учинчи босқичда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри бўйлаб биринчи ОФС аниқланган беморлар маълумоти, ОФС беморлари –нисбий сони, ОФС дан вафот этган беморлар ёшининг бузилиши - нисбий сонини йиғиш амалга оширилди. Олинган маълумотлар электрон тарздаги жадвалларда (Excel) маълумотлар базасини яратиш билан жадвалларда гуруҳлантирилди.

ОФСдан ўлим бўйича ишончли маълумот олиш, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси ва минтақалар кесимида 10 йил оралиғида республика бўйича аҳоли тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон республикаси статистикаси бўйича Давлат қўмитасига сўров юборилди.

ОФС билан касалланишнинг «қўпол» кўрсаткичлари (барча ёшдаги беморлар учун) ва «стандартлаштирилган» кўрсаткичлар ўрганилди, дунё бўйича стандарт аҳоли ва стандарт хатоларни ҳисоблашдан фойдаланиш билан тўғридан тўғри стандартлаштириш усули ёрдамида ҳисобланди.

Яна ПЗР ёрдамида Эпштейн Барра вирусини ДНК си ва ИФА усули билан Эпштейн Барра вирусининг серологик маркерларини аниқлашни ўз ичига олувчи тадқиқотнинг вирусологик усуллари таҳлил қилинди.

Барча беморларда онкологик касалликларни башоратлаш, ташхислаш ва даволаш динамикасида муҳим аҳамиятга эга энг заиф иммунологик маркерларни аниқлаш мақсадида ташхис қўйилганидан кейин даволашгача периферик қон зардобидида иммунологик тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқотнинг иммунологик усуллари лейкоцит, лимфоцит миқдори ва лимфоцитлар субпопуляциясини аниқлашни ўз ичига олди.

Клиник материалга статистик ишлов бериш тиббий биологик статистикада қўлланадиган стандарт математик дастур асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда оғиз ҳалқум ва оғиз бўшлиғи саратони эпидемиологияси»** деб номланган учунчи бобида дунё бўйича, Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ОФС ёмон сифатли ўсманнинг онкоэпидемиологик ҳолати ўрганилди. 2020, 2030, 2050 йилларда прогноз қилишнинг ортиши ва пасайишини аниқлаш билан касаллик ҳамда ўлимнинг «қўпол» ва «стандартлашган» кўрсаткичлари ҳисобланди, боб икки кичик бобчаларга бўлинди.


Учинчи бобнинг биринчи кичик бобида 2008 – 2017 йилларда Ўзбекистон республикаси ва унинг ҳудудларида умумий ОФС дан касалланишни ўрганиш бўйича маълумотлар тақдим этилган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича биринчи ёмон сифатли ўсма (ЁСЎ) ташхиси қўйилган беморлар сони 22730 нафар бўлиб, улардан 530 нафаридида ОФС қайд қилинган, барча ЁСЎ нинг улуши 2,3 % бўлиб, уларнинг 332 (62,6%) нафари эркаклар, 198 (37,4%) нафарини аёллар ташкил қилди (1,7:1,0).

Ўрганилган ўн йил даврида ОФС дан касалланган беморлар сони 4690 нафар бўлса, уларнинг 2893 (68,7%) эркаклар, 1797 (38,3%) ни аёллар ташкил қилган, эркаклар ва аёллар муносабати 1,8:1,0, га тенг бўлган, яъни эркаклар деярли икки марта кўп бўлган. Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси бўйича ЁСЎ касалланиш тузилишида ОФС улуши сезиларли ўзгармади ва 2,3% атрофида сақланиб қолди. Ёш тузилишида касаллик кўпроқ 45-64 ёшлар ўртасида кузатилиб, 47,7% ни ташкил қилди; бунда касалланиш 15 ёшгача 0,66%; 15-17 ёшларда 0,62%; 18-44 ёшлар ўртасида 15,7%; 65 ва ундан катта ёшларда 35,3% кўрсаткичга эга бўлди. Текширилган даврда беморларнинг ўртача ёши 60,2 га тўғри келди, ўсиш суръати ҳисобланганда унинг пасайгани кузатилди ва $T_{y6}=-0,4\%$ ташкил этди, бу ОФС билан касалланишнинг айрим «ёшариш» кўрсаткичлари ҳақида маълумот беради, эҳтимол бу ҳолат ёшлар орасида ахлоқий хусусиятларнинг ўзгариши ва уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Текширилган даврда Ўзбекистон Республикаси бўйлаб барча касалланганлар орасида «қўпол» кўрсаткичлар $1,6^{0}/_{000}$ ни ташкил қилган. 65 ва ундан катта ёшдаги «қўпол» касаллик кўрсаткичларини ёшга қараб нотўғри ҳисоблаш энг юқори бўлиб $13,6^{0}/_{000}$ га тенг бўлди; кўрсаткич 45-64 ёшларда $4,8^{0}/_{000}$; 15-44 ёшларда— $0,5^{0}/_{000}$; 15 ёшгача эса кам бўлиб, $0,005^{0}/_{000}$ ни ташкил қилди.

Текширилган йиллар мобайнида ҳамма касалланган эркаклар орасида касалликнинг «қўпол» кўрсаткичлари $2,0^{0}/_{000}$ га тенг бўлди. 65 ва ундан катта ёшларда касалликнинг «қўпол» кўрсаткичлари $19,2^{0}/_{000}$ га тенг бўлди; 45-64 ёшларда — $6,3^{0}/_{000}$; 15-44 ёшларда — $0,6^{0}/_{000}$; 15 ёшгача - $0,031^{0}/_{000}$ га тенг бўлди, аёллар орасида — $1,2^{0}/_{000}$ ни ташкил қилди. 65 ва ундан катта ёшларда касалликнинг «қўпол» кўрсаткичлари энг юқори $9,4^{0}/_{000}$ кўрсаткичга эга бўлди; 45-64 ёшда — $3,3^{0}/_{000}$; 15-44 ёшларда — $0,45^{0}/_{000}$; 15 ёшгача касалланиш жуда паст бўлди ва $0,004^{0}/_{000}$ ни ташкил қилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида орофарингеал ўсма билан касаланишнинг ўрта йиллик «қўпол» кўрсаткичи

2008-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича барча ОФСдан касалланганлар орасида (ҳар икки жинсда) «стандартланган» кўрсаткич – $2,3^{0/000}$ га тенг бўлиб, эркаклар орасида бу кўрсаткич камайишга мойилликни сақлаб қолди, ўртача йиллик кўрсаткич $3,1^{0/000}$, аёллар орасида эса - $1,6^{0/000}$ ни ташкил қилди. Кўриниб турганидек, бу онкологик ёрдам кўрсатиш даражасининг яхшиланиши, кейинчалик мониторинг қилиш билан эрта ташхислаш ва тегишли даволаш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2008 йилдан 2017 йилгача Ўзбекистон Республикаси бўйича ОФСдан касалланишнинг стандартлашган кўрсаткичи сезиларли ўзгармади, $2,4 \pm 0,05^{0/000}$ ва $2,2 \pm 0,02^{0/000}$ ни ташкил қилди, аммо пасайишга мойиллик кузатилади, ўртача йиллик камайиш суръати $T_{y6} = -0,8\%$ га тенг. Бу давомий таъсирга эга канцероген хавф омилларининг сақланиши ҳақидаги гипотезни тасдиқлайди.

Ўзбекистон худуди бўйича ОФСнинг улушида кўрсатилишича, ўрганилган даврда (2008-2017 йй.) беморларнинг энг кўп сони Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида, Тошкент шаҳрида кузатилган бўлиб, ўртача $12,6\%$ ни ташкил қилган; кейин пастроқ Тошкент, Бухоро, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида – $7,2\%$ бўлган; қолган ҳудудлар, жумладан Қорақолпоғистон, Навоий, Хоразм, Жиззах вилоятларида $4,5\%$ ўз улушига эга бўлган; Сирдарё вилоятида эса беморлар сони кам бўлиб – $1,4\%$ ни ташкил қилган.

ОФС дан касалланишнинг қўпол ҳисобланиши кўрсатишича (100 минг аҳолига), энг юқори кўрсаткич Навоий вилоятида – $2,7$, Тошкент шаҳрида – $2,4$, Қашқадарё – $2,3$, Бухоро – $2,2$, Самарқанд вилоятида – $1,7$ аниқланган. Касалланишнинг ўртача кўрсаткичи Қорақолпоғистон Республикаси – $1,4$, Тошкент – $1,6$, Жиззах – $1,4$, Наманган – $1,3$, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё – $1,2$ ва Андижон вилоятларида – $1,0$ кузатилди. Энг паст кўрсаткич Фарғона вилоятида $0,9^{0/000}$ аниқланди.

ОФС дан касалланишнинг стандарлашган кўрсаткич ҳисоби (100 минг дунё аҳолисига) Навоий, Қашқадарё вилоятларида $3,6$, Бухоро вилоятида $3,1$, Самарқанд вилоятида $2,6$ ва Тошкент шаҳрида $2,3$ ни ташкил қилиб, энг юқори кўрсаткични кўрсатди. Ўртача кўрсаткич Жиззах вилоятида $2,0$, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикасида $1,9$ ни ташкил қилди. Энг паст кўрсаткич Наманган, Хоразм вилоятларида $1,7$, Андижон вилоятида $1,4$, ҳаммасидан ози Фарғона вилоятида $1,2^{0/000}$ аниқланди.

Дунё стандартларига кўра, кўрсаткичларни стандартлаш аниқ таққослашни амалга оширилади, олинган маълумотлар стандартлар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва энг тўғри прогнозни ҳисоблаш имконини беради. ОФС дан касалланиш бўйича олинган маълумотлар ОФС ривожланиши учун юқори канцероген фон мавжудлигини кўрсатади, бу эҳтимол Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари минтақалари ишлаб чиқариш зонаси бўлганлиги учун, қолган ҳудудлар эса биринчи навбатда экологик камбағал зона эканлиги, шунингдек папирос сингари ҳидлаб чекилувчи носни кўп чекканлиги, ахлоқий реакциялар, беморлар турмуш тарзи, сўнгги йилларда ишлаш мақсадида ушбу минтақалардан Россия, Қозоғистон каби ҳамдўстлик давлатларида миграция

даражасининг ошишига боғлиқ бўлиши мумкин (Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти).

Ўзбекистон Республикасида ОФС дан касалланиш бўйича умумий мойиллик стандартлашган кўрсаткичлар динамикасини сақлаган ҳолда стабилизация ва айрим пасайишларга мойилликка эга.

Учинчи бобнинг иккинчи кичик бобида дунё бўйича, Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ОФС дан ўлим ҳолатлари таҳлил қилинди.

